

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
“Наманган ХЭТК” АЖ  
бош директор



Ж.Халилов

2022 йил

“Наманган ХЭТК” АЖ нинг таркибидаги  
Наманган шаҳар ЭТК маъмури биноларининг олди ер  
майдонларига асфалт босиб берувчи корхонани  
саралаш бўйича

#### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

##### 1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи

“Наманган ХЭТК” АЖ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли

Акционерлик жамияти

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй

Бош директор:

Ж. Халилов

1.2. “Наманган ХЭТК” АЖнинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танлов охириги қиймати – жами кўрсатилган хизмат учун “Наманган ХЭТК” АЖ нинг таркибидаги Наманган шаҳар ЭТК маъмури биноларининг олди ер майдонларига Асфалт босиб бериш хизмати билан 187 200 000 сум қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топширик иловада рус тилида келтирилган.

## 2. Танлов мақсади.

2.1. “Наманган ХЭТК” АЖ нинг таркибидаги Наманган шаҳар ЭТК маъмури биноларининг олди ер майдонлари жами 1440 кв метр, Асфалтнинг босилган қалинлиги 6 см булиши 1 кв метр Асфалт босиб бериш хизмати 130000 сумдан асфалт босиб бериш ва етказиб бериш, каби хизмат ишларини бажариш ишлари сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ва меъёрларга мувофиқ булиши шарт

## 3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

## 4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, “Наманган ХЭТК” АЖ нинг таркибидаги Наманган шаҳар ЭТК маъмури биноларининг олди ер майдонларига Асфалт босиб бериш хизмати курсатувчи корхона томонидан барча қолган харажатлари ўз ҳисобидан бўлиши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат рўйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;

- Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот;

- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги туғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Илова

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
“Наманган ХЭТК” АЖ нинг таркибидаги Наманган шаҳар ЭТК маъмури биноларининг олди ер майдонларига асфалт босиб берувчи корхонани саралаш бўйича	Асфалт босиб бериш хизмати 1440 кв метр Асфалтнинг босилган қалинлиги 6 см дан кам булмашлиги керак